



СУРИШТИРУВ ВА ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ЖАРАЁНИДА ДАЛИЛЛАРНИ ПРОЦЕССУА РАСМИЙЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Назаров Рўзи Тўраевич

Судьялар Олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар

Олий мактаби тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15039509>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 10-Mart 2025 yil

Ma'qullandi: 15- Mart 2025 yil

Nashr qilindi: 17- Mart 2025 yil

KEY WORDS

Суриштирув, дастлабки тергов, далиллар, процессуал расмийлаштириш, жиноят процесси, қонунийлик, суд адолати..

ABSTRACT

Ушбу мақолада суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида далилларни процессуал расмийлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилади. Муаллиф далилларни тўплаш, қайд этиш ва уларнинг қонунийлигини таъминлашдаги процессуал нормаларнинг аҳамиятини таҳлил қилади. Шу билан бирга, ушбу жараёнда юзага келадиган муаммолар, хусусан, далилларнинг қабул қилиниши ва уларнинг судда кучга эга бўлиши масалаларига эътибор қаратилади. Мақолада далилларни расмийлаштиришнинг жиноят процессидаги роли ва унинг адолатли судловни таъминлашдаги ўрни муҳокама қилинади.

Бугунги кунда шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқиш, жиноят ишларини тергов қилиш мобайнида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари натижасида олинadиган далилларни расмийлаштириш усуллари ва воситалари билан боғлиқ бўлган процессуал масалаларнинг қонуний ҳал этилишига эришиш ҳамда далилларни процессуал расмийлаштиришни янада такомиллаштириш жиноят процессининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Суд-ҳуқуқ тизимида бўлаётган ва босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар қонунларимизни либераллашувига олиб келмоқда ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг кафолатига айланмоқда.

Жиноят иши юзасидан дастлабки тергов фаолиятини олиб бораётган ваколатли орган ва мансабдор шахслар ҳаракатлари ва қарорларининг қонунийлиги ҳамда асослигидан гувоҳлик берувчи юридик талабларнинг барчасига риоя этилаётганлик ҳолати процессуал ҳужжатда ўз аксини топади.

Жиноий таъқибнинг асосий мақсадларидан бири бўлган объектив ҳақиқатни аниқлашга далилларни тўплаш, текшириш, баҳолашдан иборат бўлган исбот қилиш жараёнида эришилади. Ушбу фаолиятда далилларни тўплаш ва унинг таркибий қисми – процессуал ҳужжатлаштириш муҳим ўрин тутди. Агар тергов ҳаракати давомида олинган далиллар қонуний тартибда жиноят процессуал ҳужжатларда қайд этилмаса, ҳақиқатни аниқлаш ҳам қийин бўлади.

Шундай экан, исбот қилишнинг мақсадига эришиш учун олинган далиллар процессуал расмийлаштирилиши лозим. “Ишни судга қадар юритиш жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар қабул қилинган пайтдан бошланади ҳамда терговга қадар текширувни ва жиноят ишини тергов қилишни ўз ичига олади”

Суриштирув ва дастлабки тергов органлари ўртасида жуда кўп умумийлик мавжуд, шунинг учун улар кўпинча адаштириб юборилади. “Жиноятлар ва уларни тергов қилишга нисбатан бу органларнинг деярли бир хил вазифаларини бажарадилар. Жиноят таркиби аниқланган ҳолларда ушбу органлар ўз ваколатлари доирасида жиноят ишини қўзғатишлари шарт ва иш бўйича жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган тартибда тергов ҳаракатларини амалга оширадилар. Улар ўз фаолиятида жиноят-процессуал қонунчилигининг ягона талаблари асосида далилларни тўплаш, текшириш, баҳолашдан иборат бўлган исбот қилиш жараёнида тергов ҳаракатларини амалга ошириш учун ваколатли ҳисобланади” “Дастлабки тергов (суриштирув) процессуал ҳужжатлари жиноятларни тез ва тўла очиш, айбдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш, айбсиз шахсларни жазога тортилмаслигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятларнинг олдини олиш, жиноятнинг сабаблари ва унинг содир етилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаларини амалга оширишнинг зарурий воситаси ҳисобланади.” “Дастлабки тергов ва суриштирувда расмийлаштириладиган процессуал ҳужжатларнинг сони ҳозирда икки юздан ошиб кетганлиги” , “процессуал ҳужжатлар ва уларни тузишнинг процессуал-ҳуқуқий жиҳатдан илмий жиҳатлари комплекс тарзда ўрганилмаганлиги, шунингдек амалиётдаги тузилаётган ҳужжатларни бир хиллаштириш ва процессуал ҳужжатларни тузишни тартибга солувчи жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш зарурати мазкур мавзунинг долзарблигини билдиради.

Далилий ахборотни расмийлаштириш муаммоси далилларни тўплаш усулларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларнинг мажмуасида энг муҳимларидан бири ҳисобланади” Далилларни баённомада расмийлаштириш қоидалари ЖПКнинг 90-моддасида акс эттирилган бўлиб, уларни айнан ишни судга қадар юритиш учун масъул бўлган суриштирувчи, терговчи ва прокурор зиммасига юклатилади. Далилларни расмийлаштириш шакли тарихий жиҳатдан энг қадимий ва нисбатан соддалиги боис, умум рухсат берилган шакл ҳисобланади. Юқорида айтиб ўтилганидек ушбу шаклни амалга оширишнинг техник усули бу баённома тузиш, аудио- ва видео қайд этишда ифодаланади.

Дастлабки тергов баённомалари тўғрисидаги масаланинг ҳам назарий ва ҳам амалий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда мазкур баённомаларнинг мазмун-моҳиятини, уларнинг процессуал-ҳуқуқий табиатини ўрганишга жиноят-процессуал ҳуқуқида етарлича эътибор берилмаган. Бизнинг назаримизда баённомалар далилларнинг энг тез ривожланаётган турларидан бири ва мазкур баённомаларни пухта ўрганиш зарур.

“Баённома тузиш замирида далилларни расмийлаштиришнинг усули сифатида тавсифланади. Баённома тузиш криминалистика ва исботлашнинг умумий илмий услуби сифатида амалга ошириш усуллари етарлича ўрганилган, бир неча бор таърифланган ва уларни такрорлашнинг ҳожати йўқдир.” Баённомаларни тузиш ва уларни процессуал расмийлаштириш тартиби қонунда батафсил баён этилган. Ушбу

тартибларга риоя этиш баённомаларда қайд этилган маълумотларнинг ишончилигини кафолатлашда муҳим ўрин тутди.

Мазкур баённомаларга тергов ҳаракатининг иштирокчилари тўғрисидаги маълумотлар, бу шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилгани; тергов ҳаракатининг ўтказилиш жойи ва вақти, шарт-шароитлари, жараёни ва натижалари, бунда топилган моддий объектлар тавсифи ва уларнинг иш учун аҳамиятли бўлган белгилари; тергов ҳаракатлари иштирокчилари тасдиқлашни сўраган фактлар; уларнинг юз бераётган ҳодиса сабаблари хусусидаги кўрсатувлари; тушунтиришлари, мулоҳазалари; улар томонидан берилган илтимосномалар, шикоятлар, рад этишлар киритилади. ЖПКнинг 91-моддасида далилларни қайд этиш учун баённома тузиш билан бир қаторда овоз ёзиш, видеоёзув, кинотасвир, фотосуратга тушириш, қолиплар тайёрлаш, нусхалар олиш, режалар, чизмалар тайёрлаш ва ахборотни акс эттиришнинг бошқа ёрдамчи усуллари ҳамда иловалар қўлланилиши мумкинлиги кўрсатилган. “Далилларни расмийлаштиришнинг юқорида кўрсатилган воситалари ёрдамчи ҳисобланиб, фақат баённома билан биргаликда далилий аҳамиятга эга бўлади.

Шу билан биргаликда, улар баённоманинг мазмунини тасдиқлайди ва кўргазмали тарзда намойиш этади, баъзан эса ўзида қўшимча исботлаш маълумотларини мужассамлантиради. Масалан, фотосуратларда ҳодиса содир бўлган жойнинг баённомада акс эттирилмаган томонлари, видеоёзувда айбланувчининг қотиллик содир этиш жойи ва шароитларини кўрсатувчи баённомага туширишнинг имкони бўлмаган ҳолатлари ёки ишоралари муҳрланган бўлиши, овозли ёзувда нутқнинг барча талаффузлари акс этган бўлиши мумкин.” Овоз ёзиш қайд этишнинг оғзаки шакли сифатида баённома ёзишдан кўра маълум бир афзалликларга эга.

Овоз ёзиш кўрсатувларнинг фақат мазмунини эмас, балки сўроқ қилишни акустик қисмини ҳам қамраб олишни таъминлайди, бу эса сўроқ баённомасида акс этмайдиган нисбатан кўпроқ бўлган маълумотларни ўз ичига олади. Овозни эшиттириш баённомани ўқиб эшиттиришдан кўпроқ эмоционал таъсирга эга. Ниҳоят, овоз ёзиш сўроқ қилинувчининг нутқ хусусиятларини, ўз тилининг алоҳидалигини кўрсата олади, бу эса сўроқ баённомасида акс этилиши қийинроқ бўлган ҳолатлардир. “Расм чизиш гувоҳ, жабрланувчи ва баъзан айбланувчиларнинг кўрсатмалари асосида портретларни яратишда, аниқ маълумотни ўз ичига олган ақлий қиёфани амалга ошириш воситаси сифатида далилий аҳамиятини сақлаб қолади”

Фикримизча, нарсани олиб қўйишни (бирламчи ҳолатини йўқотмаган ҳолда келгусида бузилишининг олдини олиш мақсадида) кўргазмали шаклда расмийлаштириш учун асослар келтирилиши мақсадга мувофиқдир: а) ушбу расмийлаштириш усулини қўллаш қолиплар тайёрлаш, нусхалар олиш, режалар, схемалар тайёрлаш ва ахборотни акс эттиришнинг бошқа усуллари қўлланганда нарса ва ҳужжатларнинг далилий аҳамияти йўқолишини камайтиради; б) исботлашни амалга оширувчи субъектлар томонидан нарса ва ҳужжатларни қабул қилишдаги шубҳаларни истисно қилишга ёрдам беради; в) объектда мавжуд бўлган маълумотларни янада тўлиқ ўрганиш учун шароитлар яратилади; г) нарса ва ҳужжатлардан бир неча маротаба нусхалар олиниш учун имкониятлар яратилади.

Юқоридагиларга кўра қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар (мансабдор шахслар) суриштирувчи, терговчи ва прокурорлар ўз ташаббуси билан кўздан кечирган ёки уларга тақдим қилинган техник воситалар ёрдамида олинган фото, видео, аудио ва бошқа материаллар фақат жиноят-процессуал қонун талабларига мувофиқ равишда тегишли тартибда баённома билан расмийлаштирилганда сўнг далилларнинг процессуал мақомига эга бўладилар;

- тақдим қилинган объектни қабул қилиб олишни расмийлаштириш бу нарса (ҳужжат)ни тақдим қилиш баённомаси тартибда амалга оширилиши лозим;

- зарур ҳолларда тақдим қилинган ва ашёвий далил деб эътироф этилган техник воситалар ёрдамида олинган аудио, видео ёзув ва фотосуратлар экспертиза йўли билан текшириб кўрилади.

Бунинг учун ЖПКнинг 43, 44, 46, 48, 53, 55, 57, 59, 481, 532, 570-моддаларида назар тутилган жиноят процесси иштирокчилари «далиллар тақдим қилиш» ҳуқуқи мавжудлигини эътиборга олиб ҳамда «Далиллар тақдим қилиш ишга алоқадор бўлган нарса ёки ҳужжатларнинг шахс томонидан ихтиёрий равишда берилишидан иборатдир» - деган таърифдан фойдаланган ҳолда ЖПКнинг 87-моддасига қўшимча сифатида «Гумон қилинувчи, айбланувчи, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари ҳамда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари далил сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган нарса ва ҳужжатларни тақдим қилишга ҳақлидирлар (шунга ўхшаш қисм Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикасининг амалдаги ЖПКларида ҳам акс этган)» - деб белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ. Чунки юқоридаги моддаларда назарда тутилган «далиллар тақдим қилиш» тергов ва суд ҳаракатларига кирмайди, аксинча бу процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари бўлиб, уларнинг эрки-иродаси билан ифодаланган процессуал ҳаракатлар қаторига киради.

Бу ерда тергов ва суд ҳаракати билан процессуал ҳаракатлар ўртасидаги фарқ ҳақида гапирилганида ЖПКнинг 87-моддасида «Далиллар тақдим этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиш; йўли билан тўпланади» деб фақат исбот қилиш субъектларининг жиноят-процессуал фаолияти ҳақидагина тўхталиб ўтилганини, жиноят-процессуал муносабатга киришувчи бошқа иштирокчилар тўғрисида сўз юритилмаганини танқид қилиб ўтса бўлади. Шунинг учун ҳам, ЖПКнинг юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, 87-моддасига қўшимча сифатида киритилиши исбот қилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган процесс иштирокчиларининг процессуал мақомини мустаҳкамлаган ҳамда уларнинг далилларни тўплашга қаратилган терговга қадар текширув жараёнида, суриштирув, дастлабки тергов ва суд ҳаракатларида фаол иштирок этишидаги эрки ва иродасини қонуний кафолати бўлар эди.

Бинобарин, жамиятда рўй берадиган ҳар қандай низо, айниқса жиноий қилмишнинг ечими ваколатли органларнинг қонуний асосларда қабул қилинган қарорлари асосида адолатли ҳал этилишига эришиш халқ осойишталигининг муҳим кафолатидир. Бу йўлда барча шахслар баҳоли қудрат ўз ҳиссаларини қўшишлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг эса ўз бурчларини ҳалол бажаришлари, уларнинг шахсий масъулиятини унутмасликлари талаб этилади.

1. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 3201-модда (Ишни судга қадар юриштириш шакллари). <https://lex.uz/docs/111460>
2. Абдумажидов Ф. Жиноят-процессуал қонунчилиги, уни такомиллаштириш – зарурат. Ҳуқуқ ва бурч ижтимоий-ҳуқуқий журнал. 2009. №4. 52-бет.
3. Иноғомжонова З.Ф. Жиноят ишлари бўйича процессуал ҳужжатлар. – Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2009. 414 бет.
4. Тергов процессуал ҳужжатларининг намуналари (тўлдирилган ва тузатилган иккинчи нашри). Ўқув амалий қўлланма // Д.М.Миразов ва бошқ. – Тошкент: 2012. – 415 бет.
5. Шейфер С.А. Следственные действия. Основания, процессуальный порядок и доказательственное значение. Самара. Издательство «Самарский университет», 2004. С. 16
6. Белоусов А.В. Процессуальное закрепление доказательств при расследовании преступлений. – Москва: Юрлитинформ, 2001. –Б. 174.
7. Лысов Н.Н. Криминалистическое учение о фиксации доказательственной информации в деятельности по выявлению и раскрытию преступлений: Автореф. дисс.... д-ра юрид. наук. – Москва: 1995. – С. 29.
8. Терехов А.Ю. Выбор способа собирания доказательств при отображении предметно-пространственной информации: Автореф. дисс.... канд. юрид. наук. – Москва: 2008. – С. 24.
9. «Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации» от 18.12.2001. № 174-ФЗ (ред. от 27.12.2018) (с изм. и доп., вступ. в силу с 08.01.2019) URL: http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481/; «Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан» от 4.07.2014. № 231-V ЗРК (с изменениями и дополнениями по состоянию на 21.01.2019) URL: [https:// online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575852#pos=7948;-32](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575852#pos=7948;-32)